

Қуръони Ҳакимга иймон | Ақийда дарслари
(302-дарс)



АҚИЙДА
302-ДАРС

ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ РОҲИМАҲУЛЛОҲНИНГ
«АҚОИД ИЛМИ ВА УНГА БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР» ВА «СУННИЙ АҚИДАЛАР»
КИТОБЛАРИ АСОСИДА БЕРИБ БОРИЛАДИ.
МАВЗУЛАРНИНГ ТЎЛИҚ МАТНИ БИЛАН ТАНИШИШ УЧУН
КИТОБНИНГ ЎЗИГА МУРОЖААТ ЭТИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ.



19:00 / 11 ноябрь 532

هُنْمٌ هَلْ لَأَمْ آلَكَ نَأْرُقُلَانِ وَأُو
، أَلْوَقِيَّ هَيْ فِيكَ أَلْبِ آدَبِ
، أَيُّ حَوْ هِلْ وُسْرَى لَعُهُ هَلْ زَنْ أُو
كَ لَذَى لَعَنْ نُونٌ مُمْ لَأُ هَقِّ دَصَو
هَلْ لَأَمْ آلَكَ هُنَّ أُونَقِيَّ أُو ، أَقْح
سَيْلٍ ، هَقِي قَحْلِبِ لَعَاتِ
هَيْ رَبُّ لَأَمْ آلَكَ قَوْلُ خَمْبِ

مَالِكٌ هُنَّ أَمْغَزَفُ عَمَسٌ نَمَفُ
هَمْذٌ دَقْوٌ، رَفَكٌ دَقْفٌ رَشَبٌ لَأ
رَقَسٌ بٌ هَدَعٌ وَأَوْ هَبَاعٌ وَهَلَلٌ

﴿٢٦﴾ سَقَرَسَا ضَلِيهِ «: يَلَاعَت لَأ قُ ثِي ح

رَقَسٌ بٌ هَلَلٌ دَعْوٌ أَمَلَفُ: »

﴿٢٥﴾ الْبَشَرُ قَوْلٌ إِلَّا هَذَا إِنْ « لَأ قُ نَمَلُ

لُوقٌ هُنَّ أَنْ قِيَّ أَوْ أَنْ مَلَعُ»
هَبْشِي أَلَوٌ، رَشَبٌ لَأ قُ لَأ خ
رَشَبٌ لَأ لُوقُ


Ва албатта, Қуръон Аллоҳнинг каломидир. Қуръон У Зотдан кайфиятсиз сўз бўлиб зоҳир бўлди. У Зот уни Расулига ваҳий сифатида нозил қилди. Мўминлар уни ана ўша ҳолда ҳақ деб тасдиқ қилдилар ва уни ҳақиқатда Аллоҳ таолонинг каломи деб қаттиқ ишондилар. У одамларнинг каломига ўхшаб, махлуқ эмасдир.

Бас, ким уни эшитса-ю, башарнинг каломи деб гумон қилса, батаҳқиқ, кофир бўлибди. Батаҳқиқ, ундай одамларни Аллоҳ мазаммат қилган, айблаган ва унга дўзах ила таҳдид қилган. Аллоҳ таоло: «Тезда уни сақар(дўзах)га киритиб, куйдирурман», (Муддассир сураси, 26-оят) деган. Аллоҳ: «Бу башарнинг сўзидан ўзга ҳеч нарса эмас», (Муддассир сураси, 25-оят) деган кимсага сақар (дўзах) билан таҳдид қилгач, билиб, қаттиқ ишондикки, албатта, у башар Холиқининг сўзидир. Башарнинг сўзига ўхшамас.

Шарҳ: Шайх Таҳовий раҳимаҳуллоҳнинг «**Ва албатта, Қуръон Аллоҳнинг каломидир**», деган сўзидаги «**ва**» (боғловчи ҳарф) олдин ўтган «**Албатта, Аллоҳ бирдир, Унинг шериги йўқдир**» жумласига боғланганлигини билдиради. Худди «**Ва албатта, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам У Зотнинг мустафо бандаси**» жумласи ҳам ўша жумлага боғлангани каби.

Муаллифнинг «кайфиятсиз» деган сўзи, уни, яъни Қуръонни сўз қилиб гапиргани қайси кайфиятда бўлганини билиб бўлмайди, каломнинг содир бўлиши мажоз эмас, ҳақиқийдир, деганидир. Яъни каломнинг Аллоҳ таолодан содир бўлгани маълум, аммо қайси кайфиятда содир бўлгани маълум эмас.

«Қуръон» аслида масдар – ўзак бўлиб, гоҳида «қироат» маъносини англатади. Аллоҳ таоло:

مَشْهُودًا كَانِ الْفَجْرُ قُرْآنًا إِنَّ الْفَجْرَ وَقُرْآنًا 

«Фажр Қуръони»ни ҳам. Албатта, «фажр Қуръони» шоҳид бўлинадигандир», деган (Исро сураси, 78-оят). (Яъни фажр вақтида Қуръон қироатига фаришталар шоҳид бўлурлар).

هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصَلَا قَو
نَأْرُقَلَا اُونَيَزُ «مَلَسَو
دُوَادُ وُبَا هَاوَرُ». «مُكَّتْ اَوْصَابُ
يَضَرُّ بِزَاعِ نَبِءِ اَرْبَلَا نَع
(هُنَعُ هَلَلَا

Ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Қуръон**(қироати)**ни овозларингиз ила зийнатланг!**» деганлар.

(Абу Довуд Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Гоҳида эса «Қуръон»дан ўқилган нарса кўзда тутилади. Аллоҳ таоло:

الرَّجِيمِ الشَّيْطَانِ مِنَ اللَّهِ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ فَإِذَا

«**Қачон Қуръон ўқисанг, Аллоҳдан қувилган шайтондан паноҳ сўрагин**», деган *(Наҳл сураси, 98-оят).*

Яна У Зот:

لَعَلَّكُمْ وَأَنْصِتُوا لَهُ، فَاسْتَمِعُوا الْقُرْآنَ نُقْرِيكُمْ وَإِذَا

٢٠٤ تَرْحَمُونَ

«Қачон Қуръон тиловат қилинса, унга қулоқ солинглари ва жим туринглари, шояд, раҳм қилинсангиз», деган (Аъроф сураси, 204-оят).

هَيْلَعٌ هَلَلَا يَلَصَّ لَأَقْو
لَزْنًا نَأْرُقُلَا آذَهٗ نِنَا» :مَلَسَ و
هَأَوْر). «فُرْحَاءُ غَبَسَ يَلَع
يَبَأَنَعٌ مَلَسُمُو يِرَاخُبُلَا
(هَنَعٌ هَلَلَا يَضَرَّهٗ رِيْرُهُ).

Ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, бу Қуръон етти ҳарфда нозил қилингандир», деганлар.

(Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган.)

Муаллифнинг «У Зот уни Расулига ваҳий сифатида нозил қилди», деган сўзи «Аллоҳ Қуръонни Ўз пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга фариштанинг тили орқали нозил қилди», деганидир. Қуръонни Жаброил алайҳиссалом Аллоҳдан эшитди ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи

васаллам фаришта Жаброил алайҳиссаломдан эшитдилар. Сўнгра одамларга ўқиб бердилар.

Аллоҳ таоло:

﴿١٠٦﴾ نَزِيلًا وَنَزَّلْنَاهُ مَكِّثًا عَلَى النَّاسِ عَلَى لِنِقْرَاهُ فَرَقْنَاهُ وَقُرْءَانًا

«Ва Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришинг учун бўлиб қўйдик ва бўлак-бўлак қилиб нозил этдик», деган (Исро сураси, 106-оят).

Яна У Зот:

﴿١٩٤﴾ الْمُنذِرِينَ مِنْ لَتَكُونَ قَلْبِكَ عَلَى ﴿١٩٣﴾ الْأَمِينُ الرُّوحُ بِهِ نَزَلَ

﴿١٩٥﴾ مُبِينٍ عَرَبِيٍّ بِلِسَانٍ


«Уни Рухул Амийн огоҳлантирувчилардан бўлишинг учун, очиқ-ойдин араб тилида сенинг қалбингга олиб тушди», деган (Шуаро сураси, 193-195-оятлар).

Муаллифнинг «Мўминлар уни ана ўша ҳолда ҳақ деб тасдиқ қилдилар», деганидаги «мўминлар»дан мурод саҳобалар ва тобеъинлардир. «Ана ўша ҳолда» деган сўзда Аллоҳнинг каломи ва унинг нозил қилиниши юқорида зикр қилинган кайфиятда эканига ишора бор. Яъни бу борадаги гап саҳоба ва уларга яхшилик билан эргашганларнинг – салафи солиҳларнинг сўзидир. Ва бу ҳақ ва сидқдир.

Муаллифнинг «**Бас, ким уни эшитса-ю, башарнинг каломи, деб гумон қилса, батаҳқиқ, кофир бўлибди**», деган сўзи «Ким Қуръоннинг Аллоҳнинг каломи эканини инкор қилса, уни Муҳаммаднинг ёки ундан бошқа махлуқотларидан бирининг – фариштанингми, башарнингми, каломи деса, кофир бўлишида ҳеч шак-шубҳа йўқ», деганидир.

Шунингдек, ким Қуръон Аллоҳнинг каломи эканига иқрор бўлса-ю, кейин уни салафи солиҳ иттифоқ қилганидан бошқача қилиб, бузуқ таъвиллар билан таъвил қилса ёки ўзича бузса ҳам кофир бўлишида ҳеч шак-шубҳа йўқ.

«**Башарнинг сўзига ўхшамас**», яъни Аллоҳнинг каломи башарнинг каломига ўхшашдан шарафли, фасоҳатли ва олийдир. Аллоҳ Ўз каломининг васфида қуйидагиларни келтиради.

حَدِيثًا أَلَّهِ مِنْ أَصْدَقُ وَمَنْ 

«**Ким Аллоҳдан кўра тўғрисиўзроқдир?!**» (Нисо сураси, 87-оят).

«**Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси**» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.